

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

«Иқтисодиёт назарияси» фанидан тайёрланган

РЕФЕРАТ

Мавзу: « **БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ЎЗБЕК
МОДЕЛИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ
САМАРАДОРЛИГИ** »

Тайёрлади: Ражабов С.
Текширди: ўқитувчи Ходжаева Д.

Бухоро – 2014

Мундарижа

Кириш

1. Бозор иқтисодиётига утишнинг модели ва хусусиятлари.....

2. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига утишнинг тамойиллари ва йули.....

3. Бозор ислохотларини амалга оширишнинг асосий йуналишлари.....

4. Ўзбекистон самарали ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг жаҳондаги эътирофи.....

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Маълумки, жахон мамлакатлари бозор иқтисодиёти йули (моделли) билан иқтисодий фаолият юргизиб ривожланмокдалар. Бозор иқтисодиётига утиш йуллари, умумлаштирилиб, Ҳозирги вақтда 3 асосий модел билан ифоланмокда.

1. Ривожланган мамлакатлар йули;
2. Ривожланаётган мамлакатлар йули;
3. Собик социалистик мамлакатлар йули.

Бу моделларни умумий томонлари булиб, улар куйидагидан иборат:

Барча мамлакатлар бозор иқтисодиётига утишни мақсад килиб куяди.

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормокда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустаҳкам замин яратмокда.

Жумладан, яқинда республикамиз Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар аҳолимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намоиш этди. Президентимиз И.Каримов 2010 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида сайлов жараёнларига баҳо бериш билан бир қаторда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизациялашда сиёсий партиялар, парламент, суд-ҳуқуқ тизими, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли тўғрисида батафсил

тўхталиб ўтди. Шунингдек, мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилаб берди.

Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиёти хужалигида деярли барча қонун-қоидалар умумий булади.

Даромадлар чекланмайди.

Эркин иқтисодиётга асосланади.

Шунинг билан бирга узига хос хусусиятлари ҳам мавжуд:

Биринчидан: бозор муносабатларининг шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳолати;

Иккинчидан: тарихий шарт-шароитлари;

Учинчидан: миллий урфодатлари ҳар-хил булишидир.

Масалан, бозор иқтисодиётига утишнинг гарбча моделида оддий товар хужалигидан эркин, ракобатга асосланган классик ёки эркин бозор иқтисодиётига ва ундан Ҳозирги замон маданийлашган бозор иқтисодиётига утилган.

Мустамлакачиликдан озод булиб, ривожланишнинг мустақим йули бозор иқтисодиётига утган мамлакатлар қолок, анъанавий иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига утилар.

1. Бозор иқтисодиётига утишнинг модели ва хусусиятлари

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига утишнинг узига хос булган концепциясини ишлаб чиқди. Концепцияни мазмунида республиканинг иқтисодий, тарихий, маданий ва табиий хусусиятлари ётади ҳамда ижтимоий тукнашувларсиз, ижтимоий химояларни кучайтириш асосида аста-сёкинлик билан, боскичма-боскич ривожланган бозор иқтисодиётига утиш концепцияда курсатиб утилди ва унга амал килинди. Бу концепция мохияти шундан иборатки, марказлаштирилган иқтисодий бошқарув тизимидан, бозор иқтисодиёти ва унинг қоида-қонунларига амал киладиган эркин ривожланишга асосланган иқтисодий тизимга утишнинг таъминловчи илмий назариялар йигиндисидан ва уни амалий ҳосиласини ташкил этади.

Бу концепция И. Каримов томонидан ишлаб чиқилди ва «Ўзбекистон бозор муносабатларига утишнинг узига хос йули» (1993 йил), «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йуналишлари» (1993 йил) каби асарларида узифодасини топган.

Собик социалистик мамлакатлар йулининг муҳим белгилиси марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан Ҳозирги замон ривожланган бозор тизимига утишдан иборат бўлади. Тажрибалардан маълумки, бир тизимдан иккинчи тизимга утиш икки йул билан амалга оширилган.

Биринчиси революцион йул;

Иккинчиси эволюцион йул. Дунёдаги айрим мамлакатлар, Польша Чехословакия, Россия-бозор иқтисодиётига утишнинг «Шоковая трапея» (Қарахт қилиб даволаш) йулини танлаган эдилар. Россияда «300 кун», «500 кун» деган дастурларни ишлаб чиққан эди. Бу йул натижа бермади, ишлаб чиқариш пасайди, корхоналар тухтаб қолди, ишсизлар қупайди, пулни қадри тушиб қетди.

Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётига утиш И. Каримов томонидан яратилган 5 та тамойилга асосланади:

Давлат бош ислохотчи;

Иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш. Иқтисод устивор бўлиши;

Қонунларни устивор бўлишини таъминлаш;

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида қучли чора-тадбирлар куллаб бориш;

Бозор муносабатларига босқичма-босқич утиш;

Бозор иқтисодиётига утишнинг узига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, халқ хужалигини барча соҳаларини ислох қилиш билан боғлиқдир. Бу соҳада жуда қўп вазифаларни амалга ошириш зарурдир. Бу вазифалардан энг муҳими И. Каримов қўрсатиб ўтганидек, у қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, тоталитар тизимнинг қолдирган оғир оқибатларини енгитиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш.

Иккинчидан, узига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш. (И. А. Каримов Ўзбекистон иқтисодиётларни чуқурлаштириш йўлида Т. «Ўзбекистон» 1995 й. 19 бет).

Бунинг учун, иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида қўйидаги вазифалар белгилаб олинди:

Биринчидан, иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асосини шакллантириш ва ҳуқуқий қонуний негизини мустаҳкамлаш.

Иккинчидан, маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат қўрхоналарини, уй-жой фондини хусусийлаштириш, қишлоқ хужалигида ва халқ хужалигининг бошқа соҳаларида мулкчиликнинг Янги шаклларини қўлқўлга келтириш;

Учинчидан, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш ишлаб чиқаришни қўлқўлга келтириш олиш.

Мамлакатда бозор иқтисодиётига утиш жараёнида кичик хусусийлаштириш амалга оширилди, кишлоқ хужалигида хужалик юритишнинг Янги тизими вужудга келтирилди, мулкчиликни турли шакллари қарор топди, нархлар тулик эркинлаштирилди, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими яратилди, иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилди, бозор инфратузилмалари шаклланди.

Биринчи босқичдаги вазифаларни бажарилиши иккинчи босқичдаги вазифаларни белгилашга шарт-шароитлар яратиб берди.

Бу вазифалар қуйидагилардан иборат.

1. Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, рақобатбардош муҳитни яратиш тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш, кичик ва урта бизнес қорхоналарини рағбатлантириш.

2. Макро иқтисодий барқарорликни таъминлаш.

3. Миллий валюта-сумла қадрини ошириш ва мустаҳкамлаш;

4. Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан узгартириш, хом-ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга утиш.

Шундай қилиб, биринчи босқичда давлат сектори ва бозор хужалигидан иборат бўлган ярим эркинлашган иқтисодий тизим вужудга келган бўлса, иккинчи босқичда иқтисодёт тулик эркинлашади, хусусийлаштириш тугалланади, нархлар эркин бўлади, монополизм барҳам топади.

Ҳозирги вақтда иқтисодиётимизда қуйидаги вазифалар амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқлари эркинлаштириш жараёнлари давом эттирилмоқда;

Хусусийлаштириш чуқурлаштирилиб, мулкдорлар синфи шаклланимоқда;

Хорижий сармоялар кириб келиб, иқтисодиётни ривожлантиришда ҳамкорлик қилинмоқда;

Кичик ва урта бизнес иқтисодий тараккиётда устивор уринни эгалламокда

Концепцияда курсатиб утилганидек, иқтисодиётни ривожлантирмай туриб, миллий мустақилликка эришиб булмайди. Ўзбекистонни утмишига назар ташлайдиган булсак, ресурсларга бой булишига карамасдан ахоли жон бошига махсулот ишлаб чиқариш буйича дунёда 70-80 уринларда турар эди. Бу колокликдан кутилиш учун бозор муносабларини яратиш зарурати келиб чикди. Бозор иқтисодиёти бу кенгмаънода эркин монополлашмаган, юксак ривожланган ва аник социал мулжалга эга булган иқтисодиётдир. Бунда иқтисодий фаолиятга эркинлик берилади, мулк шакллари турли туман булади ва уларни тенглиги таъминланади. Кишилар меҳнати рахбатлантириб борилади. Ракобат мухитини вужудга келтиради, иқтисодий ҳамкорлик вужудга келади ва иқтисодиётни тартиблаштир механизмлари амал килади.

Ўзбекистоннинг уз йули бу социал иқтисодий тараккиёт йули, вужудга келган иқтисодий тизим замирида инсон манфаатини юзага чикаради, меҳнатни кадрлайди, ахолининг ночор катламларини ижтимоий химоялаб боришга каратилган булади.

Бу имкониятларга эришмок учун, биринчидан, инсонни меҳнат ва ижодий потенциалини тулик ишга тушириш. Иккинчидан, тёкинхурлик ва бокимандликка чек куйиш лозим. Учинчидан, ишбилармонлик, тадбиркорликни ривожлантириш. Туртинчидан, хар бир киши яхши яшашини кафолати меҳнат натижаси билан белгиланиши билмок, англамок лозим.

Ўзбекистон ишлаб чиқариши даражаси жихатидан кам ривожланган мамлакатлар каторида туриб келди, ишлаб чиқариши куп жихматдан аграр-хом Аше характерига эга. Ахолининг 62 фоизи кишлокда яшайди, мамлакат миллий даромадини карийб 48 фоизи аграр тармокларида хосил килинади. Ахоли сони тез усиб боради, унинг таркибида 55 фоизи ёшлар

ва куп болалар хиссасига тугри келади. Шунинг билан бир каторда ишлаб чиқаришни 40 фоизи ташкаридан ресурслар олиб келиш билан боғлиқ, истеъмол этиладиган товарларнинг 60 фоизи ташкаридан келтирилар эди.

Маълумки ислохотлар халк хужалик соҳа ва тармоқларини бошқаришни тартибига солиш билан боғлиқ булган чора-тадбирлар булиб, у турлича курунишларда булади. Шулардан бири иқтисодий ислохотдир. Мамлакатда утказилаётган иқтисодий ислохотларнинг мохияти шундан иборатки, халк хужалигини бошқаришни тубдан кайта куриш демакдир.

Иқтисодиёт соҳасидаги ислохотларни асосий йуналишлари куйидагилардан иборат:

Мулк ва мулккий муносабатларни ислох килиш;

Аграр ислохотлар;

Молия кредит ва нарх-наво ислохоти;

Ташки иқтисодий алокалар ислохоти;

Ижтимоий ислохотлар;

Бошқариш тизимини ислох килиш.

Бу асосий йуналишлар И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» асарида курстайб берилган.

- Иқтисодиётни ҳукукий негизини таъминловчи 100 дан ортик қонунлар қабул килинди, масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тугрисида; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси тугрисида, жойларда давлат ҳокимияти тугрисида, фукароларнинг узини-узи бошқариш органлари тугрисида.

- Мулк ва мулкчилик муносабатларига асос буладиган қонунлар тизими яратилди: масалан, Мулкчилик тугрисидаги, ер тугрисидаги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тугрисидаги, ижара тугрисидаги қонунлар шулар жумласидандир.

- Хужалик юритиш механизмларини таъминловчи қонунлар. Масалан, банклар ва банк фаолияти тугрисида, биржалар ва биржа фаолияти

тугрисидаги, аудиторлик фаолияти тугрисидаги, кимматли коғозлар ва фонд биржаси тугрисидаги қонунлар киради.

- Халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли катнашувчиси қафолатини таъминловчи қонунлар қабул қилинди. Яъни ташқи иқтисодий фаолият тугрисида, Ўзбекистон Республикасининг етакчи халқаро ташкилотларга аъзолиги тугрисидаги, валютани тартибга солиш тугрисидаги қонулар киради.

- Аҳолининг конституцион ва юридик ҳуқуқларини, ижтимоий қафолатларини ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминловчи қонунлар қабул қилинди. Яъни иш билан бандлик тугрисида, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тугрисида, фуқароларнинг давлат нафақаси таъминоти тугрисида, таълим тугрисида, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тугрисида қабул қилинган қонунлар киради.

Иқтисодий ислохотларни негизида мулк ва мулкый муносабатлар ётади, мулкни ислох қилмасдан туриб бозор муносабатларига ўтиш мумкин эмас, чунки бозор қуп ўқладли иқтисодиётдан иборатдир.

Иқтисодий ислохотларни ўтқазишда аграр соҳага ўстўнлик берилди. Чўнки, биринчидан, иқтисодиётимиз тарқибда қишлоқ хўжалиги салмоқли ўринни эгаллайди, иккинчидан, аҳолини қуп қисмида қишлоқда яшайди, ўчинчидан, иқтисодиётни ўсиши шу тармоққа боғлиқ. Туртинчидан, пахта тозалаш, туқимачилиқ, енгил, озик-ўқат, Қимё саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги қаби саноат тармоқларини ривожланиши аграр соҳага боғлиқ.

Бешинчидан, пахта етиштириш ва мамлақат валюта тушўмини қишлоқ хўжалиги таъминлайди. Олтинчидан, мамлақат аҳолисини озик-ўқат енгил саноатни хомашё билан таъминлаш вазифасини шу тармоқ ҳал ётади. Агар мулкчилиқ нўқтай назаридан олиб қарайдиган бўлсак, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш асосида ер мулкчилиги ётади. Мамлақатни территорияси 444,7 кв км бўлса, қишлоқ хўжалигига 25 млн. гектар ер

карашлидир, шундан 1 млн 437 га ерга галла, бир миллион 347 га ерга пахта экилмокда. 8 млн ер дехкончиликка ярокли, яъни сугориш йули билан махсулотлар олиш мумкин, аммо сувни танкислиги туфайли Ҳозирги кунда 4 млн. га ер сугорилмокда, кишлок хужалиги ялпи ички махсулотни 30 фоизини етказиб бермокда. Кишлок хужалиги ерларини мелиорация, ирригация, ерларни унумдорлигини ошириш дастурларини бажаришни давлат уз зиммасига олади.

Республикадаги аграр ислохотлар дастурини амалга ошириш борасида 1992 йилдан бошлаб, 1137 давлат хужалигидан 1066 таси мулкчиликнинг акциядорлик, жамоа ва ижарадаги корхона шаклларига айлантирилади. Ширкат хужаликларини сони 1754 тага етди.

2002 йилда кишлок хужалигида махсулотларнинг 100 фоизи нодавлат секторида етиштирилади. (1991 йилда 63 фоиз)ни, 1998 йилда 98,7 фоизни, 1999 йилда 99 фоизни ташкил этган эди. Ҳозир республикада 85,0 минг фермер хужаликлари бор, уларга 2 млн ер ажратиб берилди.

Ислохот туфайли шахсий томоркалар ва далалар кенгайтирилди. Кушимча равишда 550 минг гектар сугориладиган ер ажратиб берилди, ахоли фойдаланадиган шахсий томорка майдони 700 минг гектрага етди.

Хуллас, дехкон хужаликларининг кишлок хужалик ишлаб чиқариши умумий хажмидаги улуши 1992 йила 33 фоизни, 1998 йилда 60,3 фоиз, 2000 йилда 66,0 фоиз, 2002 йилда 70 фоизни ташкил этди.

- Ислохотларнинг навбатдаги йуналиши кишлок хужалик ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришмокда. Бунинг учун пахта экиш майдонлари кискартирилиб, дон етиштиришга ажаратиладиган ер майдонлари кенгайди. Шу хисобдан дон етиштириш йилдан-йилга купайиб борди. Масалан, 1994 й 2,5, 1996 й 3,5, 1998 й 4,1, 1999 й 4,3, 2000 й 3,9, 2001 й 5,448, 2002 й 5,1 млн. т дон етиштирилди. Давлат бюртмаси купгина махсулотлар учун бекор килинди. 1995 йилдан

эътиборан умумдават эхтиёжлари учун пахта ва донга давлат бюртмаси сакланиб колди.

- Ҳозирги кунда ислохотни муҳим йуналиши кишлок хужалигида банд булган ортикча ишчи кучини бушатиб олиш ва уларни иқтисодиётни бошка тармокларига (саноат хизмат курстайиш сохаларига) жалб этишдан иборат булиб колмокда.

Кишлок хужалигида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани тезлик билан ривожлантириш аграр ислохотнинг Ҳозирги кундан долзарб вазифаси булиб колмокда. Кишлок аҳолисини сув ва табиий газ билан таъминлаш дастури буйича 1965 км сув кувурлари тармоги, 4844 км газ тармоклари ишга туширилди. Бу етарли курсаткич эмас, курилганларида ҳам узлуксиз таъминот булмаётир. Ислохотлар учун зарур булган сохалар молия кредит тизимини ислох килиш зарур булган эди. Бюджетни тулгазиш ва уни танқислигига барҳам бериш даркор. Шу сабабли мамлакатда икки боскичли банк тизими шакллантирилди.

1.Марказий банк ва унинг зиммасига федерал резерв тизимиға хос булган вазифалар юклатилди;

2. Ихтисослашган акциядорлик тижорат банклари – Галла банк, Тадбиркор банк, Савдогар банк, Пахта банк, Уй-жой жамгарма банк ва бошкалар. Нархлар ислох килиниб, эркин нархлар жорий килинди. хом ашё ва кишлок хужалик махсулотлари нархи оширилиб бориб, ишлов берувчи ва кайта ишлов тармоқлар товарларининг нархларига якинлаштирилмокда. 1992 йилдан бошлаб аҳолини химоялаш мақсадида чекланган доирадаги озик-овкат ва саноат товарлари нархларининг чегараси белгилаб (1994 йилгача) куйилди. Нархлар ислохотининг навбатдаги боскичида (1993 й) келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш тулигича тухтатилди, 1994 йил октябрь ноябрь халк истеъмол моллари асосий турларининг нархи эркин куйиб юборилди. Куплаб иқтисодий органлар ва вазирликлар тугатилди. Яъни, Давлат режа

кумитаси, давлат таъминот кумитаси, Давлат нархлар кумитаси, Давлат агросаноат кумитаси ва бошқалар. Бошқарувнинг янги тизими вужудга келтирилди. Яъни, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги (ҳозир иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика кумитасига бўлинди), Республика улгуржи ва биржа савдоси акциядорлик уюшмаси, антимонопол ва нарх-наво сиёсатини утказиш бошқармаси қабилад.

Бундан ташқари, Давлат солиқ ва божхона кумиталари тузилди, иқтисодий ислохот ишларини мувофиқлаштириб туриш учун Президент ҳузурида иқтисодий ислохот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича идоралараро кенгаш тузилди.

Қуп укладди иқтисодиётни шакллантириш, тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш қаби вазифаларни бажариш учун Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш давлат кумитаси тузилди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни йулга қуйиш, шу соҳага тегишли қорхоналар ишини бошқариш ва уни мувофиқлаштириш мақсадида ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тузилди.

Тармок вазирликлари уюшмаларга, қорпорациялар, қонсернларга айлантилди. Транспорт, маданият, туризм, кинолаштириш соҳалари миллий қомпанияларга айлантилди.

Бошқаришнинг маҳаллий даражасида (вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлиги жорий этилди).

Бозор инфратузилмасини шакллантириш бир неча йуналишда олиб қорилди. Яъни;

1.Товар-ҳомашё биржаси тизими яратилди. Брокерлик ва диллерлик ташкилотлари, савдо, уйлари, воситаси фирмалар вужудга қелди.

2.Капитал бозори қарор топди, кредит ресурслари бозори шаклланди ва уз таркибига 240 дан ортиқ меҳнат биржасини бирлаштирди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш куйидаги йуналишларда олиб борилди. Яъни :

1.Нархларни эркинлаштириш ва пулни қадрсизланиши даражаси ошириб бориш натижасида даромадларнинг кам ва уртача даражасини мунтазам ошириб борилмоқда;

2.Ички истеъмол бозорини озик- овқат маҳсулотлари ва саноат моллари асосий турларини белгиланган тартибда таъминлаб борилмоқда;

3.Аҳолини кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаб, қўллаб-қувватланмоқда. Ижтимоий ҳимояни узлуксиз таъминлаб бориш мақсадида 2002-2003 йиллар учун махсус дастур қабул қилинди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалга оширилиб келмоқда.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич утиш иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади эмас, барча ислохотларнинг мақсади инсон яшаши ва уни фаровонлагини ошириш учун шароитлар яратишга қаратилган бўлмоғи лозим.

4. Бозор иқтисодиётига утиш даврида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш борасида бир қатор вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади. Яъни: хусусийлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш жараёнларини чуқурлаштириш;

макроиқтисодий барқарорликка эришиш;

миллий валютани мустаҳкамлаш;

иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан узгартириш;

ижтимоий қанолатлари қучли бўлган демократик давлатни шакллантириш вазифаларидан иборатдир.

Бу вазифаларни назарий ва амалий асослари И. Қаримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли

асарида курсатиб берилгандир. Бозор иқтисодиётига утиш оркали икки вазифа амалга оширилади. Яъни,

Биринчидан давлат мулки узининиг хакикий эгасини топади;

Иккинчидан, куп укладли иқтисодиёт ва рағбатлантирувчи рақобатчилик мухити вужудга келтирилади.

Иқтисодиётни барқарорлаштириб бориш бозор муносабатларини шакллантириш йулидаги муқаррар жараёндир. Барқарорлаштириш кенгрок маънода макроиқтисодиётда мувозатни саклаш, ишлаб чиқаришни кескин камайитиришга ва оммавий ишсизликка йул қуймасликдир, пул қадрсизланишини олдини олиш, тулов балансини бир меъёрда саклаш соҳасида аниқ мақсадни қўлаб олиб бориладиган давлат сиёсати ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишда бир неча хил ёндашувлар таркиб топган. Жумладан; биринчи монетар ёндашув деб аталади. Бу ёндашув пулининг қадрсизланиш даражасини пасайтириб туришга пул массасини ҳамда туловга бўлган жами талабни кескин камайитириш ҳисобига пул муомаласини бир қарорлаштиришга асосланади. Бу ёндашувнинг қамчилиги шунки, у ишлаб чиқаришнинг жисмоний ҳажми камайишига ва инвестиция фаолиятининг тухтаб қолишга олиб келади. Иккинчиси, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга таркибий ўзгаришларни амалга оширишга ёрдамлашиши, иқтисодиётда номуносивбликларга барҳам беришга асосланган ёндашув.

Бунда бир меъёрдаги қаттиқ молиявий ва пул қредит сиёсати товар билан қоплашнинг иложи бўлмаган оритқча талабларни чеклаш бўйича тадбиркорлар билан ўзвий боғлаб олиб борилади.

Республикада утиш даврида макроиқтисодий барқарорликка эришишда иккинчи ёндашувга ўстунлик берилади. Бу ишлаб чиқаришнинг илғор тузилмасига эришиш учун истикболга эга бўлган тармоқлар ва ишлаб

чиқаришни ҳар томонлама рағбатлантириш энг муҳим бугинларни аниклаш (нефт, энергетика, дон, пахтани қайта ишлаш саноати ва х. к.).

Барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқишда мувозанатга келтирилган монетар сиёсат асосий тармоқлар ва ишлаб чиқаришни таркибан қайта ташкил қилишни куллаб-қувватлаш сиёсати билан бирга кушиб олиб борилиши зарур. Барқарорликка эришишнинг асосий мезонлари қуйидагилардан иборат:

Ишлаб чиқаришни ҳажмини кискаришига йул қуймаслик;

устивор тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитларни вужудга келтириш ва рағбатлантириши;

Давлат бюджети ва корхоналар молиявий ахволининг барқарорлигини таъминлаш;

Пулнинг кадрсизланишини тугатиш;

Тулов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш;

Мувозанатлаштирилган ижтимоий сиёсат асосида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш.

Миллий валютани мустаҳкамлаш асосий тадбир чоралардан биридир. Бунинг учун:

Миллий валютанинг (хизмат) лар билан барқарор таъминланишига эришиш. Бунда бозорларни истеъмол моллари билан тулдириш ва бунда маҳаллий саноат товарларини қупайтириб бориш;

Етарли бақарор валюта захираларига эга бўлиш, бунинг учун экспорт имкониятларини кенгайтириш;

Ишлаб топилган ҳар бир сумни кадрлаш ва халқ хужалигига сарфланган ҳар бир сумнинг фойда билан қайтишига эришиш.

Пул кадрсизланишига, инфляцияга Қарши пухта уйланган сиёсат утказиш. Бунда ички бозорни моллар Билан тулдириш, нақд пул ва кредит эмиссиясининг усишига, аҳоли қулида пулнинг ҳаракатсиз туриб қолишига йул қуймаслик чора-тадбирларини қуриш лозим.

Республика хорижий мамлакатлар билан икки томонлама манфаат асосида ҳамкорлик урнатиб, уз кучига таяниб иқтисодиётни ривожлантириш учун етарли ресурсларга эгадир. Яъни минерал-хомашёнинг 95 тури, 700 та кон бор. Марказий Осиёдаги газ конденсати захираларининг 74 фоизи, нефтнинг 31 фоизи кумирнинг 55 фоизи, табиий газнинг 40 фоизи Ўзбекистон улушига тугри келади. Ўзбекистонда 30 та олтин кони топилган, олтин казиб чиқариш буйича дунёда 8 уринда туради. Бозор итисодиёти муносабатжлари бу иқтисодий салохиятдан окилона фойдаланишни кун тартибига куяди, иқтисодиёт баркарорлашга хизмат килдирилади.

Асосий таянч тушунчалар.

Утиш даври - бир иқтисодий тизимни тубдан кайта куриш йули билан унга нисбатан афзал булган тизимга утиш давридир.

Бозор ислохотлари - бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатларини шакллантиришга каратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Иқтисодий ислохотлар-иқтисодиётда туб узгаришларни шакллантиришга каратилган тадбирлар.

Иқтисодий уклад-хар хил мулкчиликка асосланган хужалик турлари ва шаклларидир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш нима ва канча ишлаб чиқаришни, каерга, кандай бахода сотишни тадбиркорнинг узи белгилаши учун имкон бериш.

Ислохотлар концепцияси ижтимоий иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсад ва йуналишлари уларни амалга ошириш гоёсидир.

Иқтисодиётни баркарорлаштириш иқтисодиётни ривожланти-риш ва усишини таъминлаш асосида макроиқтисодий мувозанат-ликни саклаш,

ишлаб чиқаришни узлуксиз ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилиши.

Такрорлаш учун саволлар:

Бозорга утиш йуллари (моделли) нима?

Ўзбекистонда бозорга утиш тамойиллари ва хусусиятлари?

Бозорга утишнинг босқичма-босқич утишнинг мохияти ва хусусияти нима?

Иқтисодий ислохотларни асосий йуналишлари нимадан иборат?

Иқтисодий ислохотлар қандай вазифаларни куяди?

Давлатни етакчилик фаолияти нимадан иборат?

Бозор муносабатларига утишда давлатни қандай дастурлари мавжуд?

Иқтисодиётни эркинлаштириш уз олдиға қандай вазифаларни куяди?

4. Ўзбекистон самарали ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг жаҳондаги эътирофи

Масъуд АСАД, “Gulf University” олий ўқув юрти Санъат ва фан факультетининг оммавий коммуникация департаменти раҳбари, сиёсатшунослик фанлари доктори (Қувайт):

- Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов томонидан танланган, биринчи галда, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, кучли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини амалға ошириш учун дастлабки шарт-шароитларни шакллантириш, барча соҳаларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш йўли ўзининг ҳаётийлигини намоён этгани ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Мамлакат раҳбарининг бошқалар юрган йўлдан бормай, ўз йўлини танлаши муҳим аҳамият касб этади. У “шок терапияси” ва иқтисодиётнинг ҳамда ўз фуқароларининг хонавайрон бўлиши йўлини танламади, уларни тақдир ҳукмиға ташлаб қўймади. Биз бундай вазиятларда баъзи давлатлар қандай аҳволға тушиб қолганликларини яхши биламиз. Ҳозирға келиб уларда на тараққиёт ва на барқарорлик сезилмоқда.

Эътиборға лойиқ жиҳатлардан яна бири мамлакатда белгиланган барча режаларни муваффақият билан ҳаётға татбиқ этиш учун мустаҳкам қонунчилик базасининг яратилгани ва иқтисодий тараққиёт жараёнининг давлат томонидан тартибға солинишидир.

Дунёда содир бўлаётган ҳозирги аҳвол, шу жумладан, кечаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз Ўзбекистон раҳбарининг бу борада олиб бораётган ички сиёсати тўғри эканлигини кўрсатади.

(Халқ сўзи, 2009 йил 16 апрель, №77)

Эмилио БОНИФАЦИ, Гроссето (Тоскана маъмурий бўлинмасига қарашли) шахри ҳокими (Италия):

- Ўзбекистон Президентининг асарида мамлакатдаги иқтисодий вазият, глобал иқтисодий инқироз дунёнинг бирон бир давлатини четлаб ўтмаётган даврда мамлакатни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлини топиш борасида ҳукумат олдида турган кўплаб вазифалар аниқ ва равшан баён этилади.

Президент Ислон Каримов Ўзбекистонда қисқа муддатларда амалга оширилиши мўлжалланган инқироз оқибатларига таъсир кўрсатувчи амалий ташаббусларни таклиф этмоқда. Ўзбекистон Президентининг хулоса ва таклифлари бошқа минтақаларда жойлашган мамлакатларда ҳам муваффақият қозониши мумкин.

Президент Ислон Каримовнинг асарини мутолаа қилар экансиз, жаҳон молиявий инқирози билан боғлиқ муаммолар, хусусан, глобал инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига жиддий таъсирини камайтириш мумкин бўлган йўллари излаш масалалари нақадар теран ҳал қилинганидан ҳайратга тушасиз. Дунёдаги аксарият ҳукуматларнинг кун тартибига эндигина киритилган, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ҳақидаги мавзу Президент китобида кенг муҳокама қилинади ва муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик фаолияти учун кўмак бериш, кредитларни қўллаб-қувватлаш ва давлат томонидан олиб борилган самарали сиёсат Ўзбекистон шароитида молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсирини камайтириш борасида танланган йўлнинг тўғри эканлигини кўрсатади.

(Халқ сўзи, 2009 йил 21 апрель, №79)

Б. АШАВСКИЙ, Россия Ташқи ишлар вазирлиги Дипломатия академиясининг халқаро долзарб муаммолар институти катта илмий ходими, профессор:

- Ислон Каримовнинг китоби, биринчидан, иқтисодий ва молиявий инқироз шароитида жаҳон ҳўжалигига асосли баҳо берилган жиддий таҳлилий асардир.

Иккинчидан, энг муҳими, жаҳонда “Ўзбек модели” деб тан олинган тараққиёт модели яна бир бор ўзининг яшовчанлиги ва самарадорлигини тасдиқлади. Менимча, Ўзбекистон ўз вақтида маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг эволюцион йўлини танлаганига эътироз билдириш қийин. Тан олиш керак, бу йўл афзаллиги билан Ўзбекистонни бошқа давлатлардан ажратиб туради.

(Халқ сўзи, 2009 йил 29 апрель, №85)

А. ЛОКЕ, Италиянинг Осиё ва Ўрта Ер денгизи институти бош котиби, “Италия - Ўзбекистон” дўстлик ва ҳамкорлик уюшмаси котиби:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ёрқин ва интилувчан сиёсатчи ҳисобланади. Ушбу китоб эса унинг сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги қарашлари ҳамда тажрибасини намоён этди. Унинг концепцияси халқаро ҳамжамиятда юзага келган фавқулудда жиддий вазиятларда ишлаб чиқилган ва эълон қилинган.

Ислон Каримов мамлакатлар ўзаро иқтисодий в молиявий боғлиқлигини, минтақавий ва халқаро бозорда глобаллашувнинг тобора авж олаётганини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ҳукумати томонидан инқироз ҳолатининг яқинлашуви пайтида ўз фуқароларини ҳимоя қилиш, шунингдек, инқироз юзага келганда унинг салбий оқибатларини енгиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадирлар ўз самарасини бераётганини аниқ ифодалаб беради.

G20 гуруҳига кирувчи давлатлар раҳбарларининг саммитида қабул қилинган ички бозор талаби билан шуғулланувчи жамғармалар иштирокида инқирозни самарали бартараф этиш, хусусан, глобал молиявий тизим устидан кучлироқ назорат ўрнатиш

борасидаги қоида ва тизимлар мажмуини яратиш билан боғлиқ қарорларнинг асосини ташкил этувчи сиёсий фалсафага Ўзбекистон ҳукумати томонидан илгарироқ амал қилинган ва Президент Ислом Каримовнинг китобида ёритиб берилган.

Лондонда олий даражада маъқулланган қарор Ўзбекистон ҳукуматининг қишлоқ хўжалик тармоғида, банк тизимида, кичик корхоналарни қўлаб-қувватлаш ва рақобатдошлигини ошириш, аҳолининг иш билан тўлиқ таъминланиши ва қаровчисини йўқотган оилалар ҳамда кам таъминланган қатламни ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби мамлакатда амалга оширилиши аллақачон бошланган, инқирозга қарши танланган чоралари тўғрилигини кўрсатади.

(Халқ сўзи, 2009 йил 12 май, №95)

Ахмад Рашид МАЛИК, Исломобод сиёсий тадқиқотлар институти етакчи эксперти (Покистон):

- Глобал инқироз Ўзбекистонга деярли таъсир ўтказмади. Бундай барқарорлик замирида ривожланиш соҳасидаги ижтимоий йўналтирилганлик ва иқтисодий босқичма-босқич ривожлантириш сиёсати ётибди.

...Президент Ислом Каримов таълим соҳасини ҳеч қачон давлат учун серхаражат соҳа деб билмаган. У таълим тизимида мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига йўналтирилган сармоя сифатида қарайди. Эътиборлиси, мамлакат бюджетининг 60 фоизидан зиёди ижтимоий эҳтиёжларга йўналтирилган. Дунёнинг кўпгина ривожланаётган мамлакатлари Ўзбекистоннинг ушбу тажрибасини қўллаш лозим. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон қарз олиш ҳажмини паст даражада сақлаб турибди.

(Халқ сўзи, 2009 йил 20 июнь, №123)

А.ДЮЛЕ, Франция сенатидаги “Франция – Марказий Осиё” дўстлик гуруҳи раиси, сенатор:

- Ўз миллийлиги ва урф-одатларини сақлаган ҳолда, Ўзбекистон барча йўналишларда ривожланишда давом этмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози боис Марказий Осиёдаги иқтисодий вазият ҳам ўзгарди. Бироқ Ўзбекистон ўзининг ҳар томонлама ўйланган иқтисодий, ижтимоий ва банк сиёсати туфайли муаммони катта талафотсиз енгиб ўтмоқда. Кўплаб халқаро кузатувчилар иқтисодий ривожланишнинг ўзбек моделини катта қизиқиш билан ўрганмоқда. Молиявий-иқтисодий инқирозни енгиб ўтиш учун кўплаб мамлакатлар Ўзбекистондан ўрнак олса арзийди.

(Халқ сўзи, 2009 йил 11 август, №157)

Кларк ПЛЕКСИКО, Миллий демократия институти вакили (АҚШ):

- Ўзбекистон сиёсий тизимидаги катта ўзгаришлар аниқ ва шубҳасиздир. Ўзбекистонга ташрифим давомида демократиянинг сиёсий пойдевори, кучли фуқаролик жамияти институтлари ва авваламбор, сиёсий партияларни ташкил этишда кўплаб ютуқларга эришилганининг гувоҳи бўлдим. Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодларга уларнинг сайловда иштирок этиши учун тенг имкониятлар яратиб бераётгани ҳам ижобий омил саналади. Бу борада оммавий ахборот воситалари ҳам номзодлар ва электорат ўртасида самарали воситачига айланади.

Норазиза БОРХОН хоним, Малайзиянинг Тадбиркор хотин-қизлар ассоциацияси президенти:

- Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг айрим давлатлар тушиб қолган ҳар хил сиёсий ва иқтисодий қарамликларни четлаб ўтиш борасидаги оқилона қарори энг юқори баҳога муносибдир. Бундай давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон табиий захираларини гаровга тикмади ва уларнинг нархлар котировкаси гаровида қолмади, “шок терапияси” усулини қўлламади, балки аксинча, халқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий сармоялар воситаларидан фойдаланиш, шунингдек, табиий ва стратегик ресурсларни тақсимлаш масаласига оқилона ёндашилди.

(Халқ сўзи, 2009 йил 12 сентябрь, №180)

П.МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университетининг фалсафа ва ижтимоий фанлар профессори (АҚШ):

- Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари жуда ривожланган. Бу эса демократик давлатни ривожлантириш учун жуда муҳим. Менимча, бу – Президент Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий натижасидир. Эркин сайловларни ўтказиш учун электоратнинг маълумотга эгаллиги катта аҳамиятга эга. Давлатингиз раҳбари таълим ва кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда гап фақат мактаб ўқитувчилари ва талабалар ҳақида эмас, балки сайловчилар барча зарур ахборотни оладиган кўплаб оммавий ахборот воситалари тўғрисида ҳам бормоқда.

(Халқ сўзи, 2009 йил 15 сентябрь, №181)

Мег ЛАНДСЕЙГЕР, Аге БЕККЕР, Амбуаз ФАЙОЛЬ, Хэ Цзянь СЮН, Томас Мозер, Клаус Д. ШТАЙН, Халқаро валюта жамғармасининг ижрочи директорлари:

- Ўзбекистон ҳукумати жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди.

Глобал инқирознинг Ўзбекистонда экспортни камайтириш шаклида намоён бўлган ички иқтисодий оқибатларини назорат қилиш ва инфляцияни жиловлаш яқин вақт ичида мамлакат иқтисодий сиёсатининг асосий вазифалари бўлиб қолади. Ҳукумат ички бозордаги талабни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли чоратadbирлар мажмуини ишлаб чиқди ва биз уни маъқуллаймиз.

Ўзбекистон – улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат. Бу салоҳиятни мустаҳкам асосга эга бўлган юксак иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш учун янада кенгроқ ишга солиш лозим. Мамлакат иқтисодий салоҳиятидан аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш учун фойдаланиш иқтисодий сиёсатнинг ўрта муддатга мўлжалланган асосий вазифаси ҳисобланади.

Биз Халқаро валюта жамғармаси ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида қарор топган самарали ҳамкорликни давом эттиришни қўллаб-қувватлаймиз.

(Халқ сўзи, 2009 йил 16 октябрь, №202)

Жером де ля ПОРТ, Руан университетининг ҳуқуқшунос профессори (Франция):

- Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасини диққат билан ўқиб чиқар эканман, мамлакат раҳбариятининг 2010 йилни “Баркамол авлод йили” дея эълон

қилишини қўллаб-қувватлайман. Бу – ҳукуматнинг ҳар томонлама ривожланган ёш авлодни тарбиялашга эътибори юқори эканини очиқ-ойдин кўрсатади. Ўзбекистонда бўлиб, мен мамлакат ёшларининг саводхонлиги ва чет тилларини, хусусан, француз тилини пухта билишлари билан ажралиб туришларига шахсан амин бўлдим. Дарҳақиқат, ёш авлод мамлакатнинг ўзи сингари изчил ва юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

...Ўзбекистон – ишончли шерик ҳисобланади. Бугунги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакат 2009 йилда улкан иқтисодий ўсиш суръатини намоиш этди. Буларнинг барчаси мамлакатнинг профессионал ва билимдон иқтисодчи Ислом Каримов раҳбарлигидаги тараққиёт йўли тўғри эканидан далолат беради. Ўзбекистон Президентининг шахси ва у олиб бораётган оқилона сиёсат, Францияда ривожланган жамият барпо этишга, кўп жиҳатдан, меҳнати сингган генерал Шарль де Голлни эслатади.

(Халқ сўзи, 2009 йил 17 декабрь, №243)

Лим Жонг МЁНГ, “Дипломаси” журнали вице-президенти (Жанубий Корея):

- Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, қирққа яқин сайлов округида депутатликка номзодлар етарлича овоз тўплай олмаган. Шу боис яқин кунларда бундай сайлов округларида қайта овоз бериш ўтказилади. Бу Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги, амалдаги сайлов тизими умумэътироф этилган халқаро нормалар – демократия, ошкоралик, муқобиллик ва кўп партиявийлик тамойилларига тўлиқ мос келишининг амалдаги тасдиғидир. Айни пайтда мазкур жараён ҳам жамоатчиликда, ҳам халқаро жамиятда мамлакатингизнинг сайлов тизимига бўлган ишончни янада оширишга хизмат қилади.

...Ўзбекистонда сайлов тизимининг менга ёққан яна бир жиҳати шуки, сайлов куни муайян сабабларга кўра сайлов участкасига кела олмайдиган фуқароларга махсус кўчма кути олиб борилади ва уларга овоз бериш учун имконият яратилади. Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларига ҳурматнинг бундай ёрқин ифодасини ҳеч бир мамлакатда учратмаган эдим.

Сафо Махмуд АЛ-ЖАНАБИЙ, “Orient Consulting & Legal Translation” компанияси бош директори (Бирлашган Араб Амирликлари):

- Демократиянинг муҳим институти бўлган сайлов халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сиёсий ҳаётда, жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этишининг асосий воситасидир. Сайлов куни бир нечта участкаларда бўлдим. Мамлакатингиз парламентида сайлов уюшқоқлик билан ўтказилди. Бунга ҳар бир сайлов участкасида гувоҳ бўлиш мумкин эди.

Сайловчилар эркин, яширин равишда овоз берди. Шунинг алоҳида таъкидламоқ жоизки, мамлакатингизда сайловнинг кўп партиявийлик, муқобиллик асосида ўтгани, ҳар бир фуқаронинг тўғридан-тўғри овоз бериши унинг демократик тамойилларга, халқаро нормаларга мослигидан далолат.

(Халқ сўзи, 2009 йил 30 декабрь, №251)

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А. “2012 йил Ватанимиз тарақиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.” / Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йил асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси./ Ишонч. 2012 йил 24 январ. № 11-12
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир / - Тошкент, «Ўзбекистон» 2010, 80-бет
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: «Ўзбекистон», 2009. 56-бет
4. Шодмонов Ш.Ш. Ғафуров У. В. Иқтисодиёт назарияси (дарслик). –Т., “Иқтисод молия нашриёти”, 2010, 663-679 бетлар.

5. Самуэлсон Пол Э. Нордхаус Вильям Д. Экономика.: Учебник./ 18-е изд.: Пер с англ –М.: ООО “И.Д. Вильямс”, 2009, 1079- 1151 с.
6. Макконнел К.Р. Экономикс: принципы,, проблемы и политика. Учебник. /17-е изд. –М.: ИНФРА – М. 2009, 830-855 с.
7. И.К. Станковская, И.А. Стрелец. Экономическая теория.: Учебник/ 3-е изд. Испр. –М.: «ЭКСМО» 2009. 28-47 с.
8. Ш. Шодмонов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Молия» 2002 йил. Ўқув қўлланма.
9. П. Хошимов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т. , «Университет» 2003 йил. Ўқув қўлланма.